

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**“Банк-молия хизматлари” факултети**

**“Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси**

**“Молиявий назорат” фанидан**

**“Ички молиявий назоратни ташкил этишда аудитнинг ахборот  
таъминотини амалга ошириш йўллари” мавзусида**

# **КУРС ИШИ**

Бажарди: МК-515 гуруҳ талабаси  
Хайитов Х.Х.

Илмий раҳбар: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Самарқанд-2019

## Мундарижа

Кириш.....	3
I-Боб. Ички молиявий назоратни ташкил этиш хусусиятари	
1.1. Корхона молиявий натижаларини ҳисоби ва назоратни амалга ошириш аҳамияти.....	5
1.2. Корхоналарда бошқарув ҳисобини ва назоратини амалга оширишнинг хусусиятлари.....	7
II-Боб. Ишлаб чиқариш харажатларининг шаклланиши устидан ички аудит (назорат)ни кучайтириш йўллари	
2.1. Ишлаб чиқариш харажатларининг шаклланиши устидан ички молиявий назоратни олиб бориш тартиби.....	11
2.2. Ишлаб чиқаришда моддий ресурслардан фойдаланишнинг назорат.....	14
Хулоса.....	20
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	21

## Кириш

Молиявий назорат ва ҳисобот бухгалтерия ҳисоби тизимининг якуний натижаси ҳисобланиб, молиявий фаолиятнинг бошқа турларини назорат қилиш учу насос яратади.

Хўжалик юритувчи субъект ички ҳисоботларининг таркиби, шакллари, уни тузишнинг даврийлиги, муддатлари корхонанинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Ички ҳисоботлар кўп жиҳатдан хўжалик субъектининг ўлчамларига, у томонидан амалга ошириладиган операция турлари ва ҳажмига, автоматлаштирилган тизимларнинг мавжудлигига боғлиқ.

Ҳозирги шароитда хўжалик юритувчи субъектлар олдида таркибий бўлинмалар фаолиятининг натижаларини ички назорат қилиш зарурияти вазифаси турибди.

Ички фойдаланувчиларнинг ишлаб чиқариш ҳисоби маълумотларига нисбатан қизиқишининг ортиб бориши муносабати билан, асосий объекти ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобланган бошқарув ҳисоби муҳим аҳамият касб этади.

**Курс ишининг мақсади ва вазифалари.** Курс иши мавзусини танлашдан кўзланган мақсад юқорида санаб ўтилган долзарб масалаларни ечимини топиш учун корхоналарда ички молиявий назоратнинг ахборот таъминотини таъминлаш йўллари ишлаб чиқиш ва таклифлар беришдан иборат.

Ушбу мақсадга эришишда қуйидаги вазифалар белгилаб олиними характерланади:

- корхона молиявий натижаларини ҳисоби ва назоратни амалга ошириш аҳамиятини ўрганиш;
- корхоналарда бошқарув ҳисобини ва назоратини амалга оширишнинг хусусиятларини ўрганиш ва таҳлил этиш;
- ишлаб чиқариш харажатларининг шаклланиши устидан ички молиявий назоратни олиб бориш тартибини таҳлил қилиш;

•ишлаб чиқаришда моддий ресурслардан фойдаланишнинг назоратини такомиллаштириш йўллари ўрганиш ва хулосалар чиқариш ва бошқалар.

**Тадқиқотнинг объекти.** Тадқиқот объекти сифатида корхоналарда олиб борилаётган ички молиявий назорат танлаб олинди.

**Тадқиқотнинг услуб ва услубияти.** Курс ишини ёзиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган Қонунлар, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, ватанимиз ва хорижий иқтисодчи олимларнинг мавзу доирасида олиб борган тадқиқотларидан фойдаланилди.

Бозор муносабатлари шароитида ички молиявий назоратнинг тутган ўрнини асослашга йўналтирилган ушбу курс иши юқоридаги масалаларни ижобий ҳал этишда амалий ёрдам бериши, шубҳасиз.


**Курс ишининг ҳажми.** Курс иши кириш қисми, тўртта параграф, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## **I-Боб. Ички молиявий назоратни ташкил этиш хусусиятари**

### **1.1. Корхона молиявий натижаларини ҳисоби ва назоратни амалга ошириш аҳамияти**

Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи корхона фаолиятининг натижаларидан манфаатдор бўлган фойдаланувчилар ҳамда аудиторлар муҳим эътибор қаратадиган кўрсаткичлар ҳисобланади. Харажатлар ҳисобини юритиш маълумотларидан молия ва солиқ ҳисобини юритишда фойдаланилади, у солиқларни ҳисоблаб чиқиш, молиявий ва солиқ ҳисоботларини тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бизнинг фикримизча, “ишлаб чиқариш ҳисоби” тушунчасига қараганда “бошқарув ҳисоби” тушунчаси кенгроқ маънога эга. Биринчидан, бошқарув ҳисоби корхонадаги мавжуд барча ахборот: бошланғич ва йиғма бухгалтерия ҳисоби маълумотлари, унинг ҳисоботлари, тезкор ва статистик ҳисоб; меърий-маълумот ахбороти; таҳлилий ва бошқа ахборотдан фойдаланишга асосланади. Иккинчидан, асосий функциялари ҳисоб юритиш, назорат ва қисман таҳлил қилишдан иборат бўлган ишлаб чиқариш ҳисобидан фарқли ўлароқ, бошқарув ҳисобининг мақсадига (оптимал бошқарув қарорларини асослаш, қабул қилиш ва назорат қилишга) бошқарувнинг барча (режалаштириш ва прогноз қилиш, фаолиятни ташкил этиш, бухгалтерия ҳисоби, бюджетлаштириш, ички назорат, таҳлил қилиш ва баҳолаш, тартибга солиш, мотивация ва рағбатлантириш) функцияларини амалга ошириш йўли билан эришилади. Замонавий бухгалтерия ҳисобининг таркибини умумий кўринишда чизма шаклида намоён этиш мумкин (1-чизма).



1-чизма. Бухгалтерия ҳисобининг тузилиши

Фикримизча, ички аудит хизматининг ташкилий тузилмаси хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Аниқроғи, ички аудит хизмати текширув объектларига нисбатан мустақил хулоса бериш билан бир қаторда ундаги камчиликларни бартараф этиш борасида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиши учун тавсиялар бериш ва уларни бажариш устидан назоратни таъминлаши керак бўлади.

Шу билан бирга, аудиторлик хизматининг меъёрий ҳужжатларини қўйидаги кўринишда туркумлаш мумкин:

- ички аудитни меъёрий ҳужжатлаштириш;
- ички аудит хизмати тўғрисидаги низом; мутахассисларнинг лавозим йўриқномалари;
- бўлим ва унинг мутахассислари календарь иш режаси; аудиторлик текшируви масалалари бўйича услубий қўлланмалар;
- ички аудит стандартлари ва амаллари бўйича меъёрлар (қоидалар);
- ички аудит услуги ва аудиторлик далилларни олиш бўйича услубий кўрсатмалар;
- аудиторлик текширувлари натижаларини жорий этиш ва қарорларни

амалда татбиқ этиш бўйича услубий тавсиялар.

## **1.2. Корхоналарда бошқарув ҳисобини ва назоратини амалга оширишнинг хусусиятлари**

Бошқарув ҳисобини алоҳида тизимга ажратиш зарурияти хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг тижорат сирини сақлашга нисбатан кўйиладиган талабларнинг кучайиши билан боғлиқ.

Бироқ, қатор хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, уларнинг деярли ҳеч бирида бошқарув ҳисобининг тизими йўлга қўйилмаган, фақатгина унинг айрим элементлари кўзга ташланади. Бу ҳол шу билан изоҳланадики, раҳбарлар бошқарув ҳисоби ҳисоботларини йўлга қўйишдан фойда кўрмапти ва унинг харажатлари ўзини оқламайди, деб ҳисоблайдилар.

Бошқарув ҳисобини ташкил этишда ички аудит маълумотлари муҳим рол ўйнайди. Бошқарилаётган объектнинг фаолият кўрсатиши жараёнида белгиланган меъёрлардан четга чиқиш сабаблари ва айбдорларни ўз вақтида аниқлаш асосида бошқарув назорати ноқулай шароит ёки ҳолатларни очиб беради, қабул қилинаётган қарорларнинг мақсадга мувофиқлиги ва қонунийлигини аниқлайди, уларнинг бажарилиши натижаларига баҳо беради. Ички аудитда бунга жавобгарлик марказлари орқали тезкор ахборотдан самарали фойдаланиш йўли билан эришилади. Чунки жавобгарлик маркази хўжалик юритувчи субъект бошқарув тизимининг бир қисмини ўзида намоён этади ва исталган тизим каби кириш ва чиқишга эга. Жавобгарлик марказига кириш деганда моддий, меҳнат, молиявий ресурслар, ундан чиқиш деганда эса, жавобгаликнинг кейинги марказига тушадиган тайёр маҳсулот ёки ярим тайёр маҳсулотлар тушунилади.

Ички аудит хизматида жавобгарлик маркази ишининг сифати иккита кўрсаткич билан баҳоланади: якуний натижа ва самарадорлик. Якуний натижа – бу жавобгарлик маркази томонидан олдинган қўйилган мақсадга

эришиш даражаси, одатда у сифат кўрсаткичлари билан тавсифланади, у кўзланган натижаларга қай даражада эришилаётганлигини кўрсатади. Самарадорлик деганда, ишлаб чиқариш ресурсларидан энг кам даражада фойдаланган ҳолда белгиланган ишлар ҳажмининг бажарилиши ёки ресурслар миқдори белгиланган ҳолда ишлар ҳажмининг максимал даражада бажарилиши тушунилади.

Ички ҳисобдорлик ахборот таъминоти тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Бўлинмаларнинг хўжалик фаолияти жараёнидаги ўзаро ҳамкорлиги чоғида ҳар куни келишилган бошқарув қарорлари қабул қилинадиган вазиятлар юзага келади. Албатта, барча вазиятларни хўжалик юритувчи субъектнинг йиғма бюджетида дастурлаштириб бўлмайди. У фақат бўлинмаларнинг мақсадли кўрсаткичларини қайд этади. Тезкор бошарув қарорлари ўзаро ҳамкорлик қилувчи бўлинмалар фаолиятининг натижаларига таъсир кўрсатади. Жавобгарлик марказини аниқлаш ва корхонанинг марказлашмаган ташкилий тузилмасини шакллантириш самарали ички аудит хизматини йўлга қўйишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Олиб борилган тадқиқот натижалари кўрсатадики, ички аудит хизматини назорат қилиш, ахборот-таҳлил ўтказиш, услубий ва маслаҳат бериш каби функцияларни бажаради. Шунинг учун ҳам ички аудит ҳисоботлари хўжалик юритувчи субъектлар мулкдорлари учун Кузатув кенгаши томонидан ахборот ва маслаҳат бериш жараёнида муҳим ахборот манбаларидан бири ҳисобланади. Ички аудит хўжалик юритувчи субъектлар бошқарув тизими билан узвий боғлиқликда ҳамда унинг қарорларини ишлаб чиқишда ўзаро ҳамкорликда бўлади.

Бундан ташқари, халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, ушбу жараёнда маслаҳат бериш функциясининг муҳимлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунга кўра, фикримизча, ички аудит хизматининг назорат қилиш билан бир қаторда маслаҳатчи сифатидаги тавсифини кучайтириш зарур.

Аудиторлик текширувларининг календарь графикларида қуйидагиларни кўрсатиш тавсия этилади: аудиторлик текширувига



кўйилаётган фаолият турлари; улар бўйича назорат ўтказиш муддатлари; текшириш учун сарфланадиган тахминий вақт (режалаштирилаётган аудиторлик ишларининг ҳажми, бошқа текширувчилар томонидан олиб борилаётган аудиторлик ишларининг тавсифи ва кўламларини ҳисобга олган ҳолда).

Ушбу тақсимот келгуси ишлар ҳамда энг асосийси, уларни амалга оширишга сарфланувчи тахминий вақтни муфассал белгилашга ёрдам беради.

Аудиторлик ишларининг самарали календарь графикларини ишлаб чиқишда рискларни баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун баҳолаш жараёни текшириш зарур бўлган фаолият турларини аниқлаш, уларга тегишли рисклар ва уларнинг нисбий аҳамиятини белгилашни ўз ичига олади. Аудиторлик фаолияти rischi деганда, қандай воқеалар ёки ҳаракатлар хўжалик юритувчи субъектларга салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги тушунилади. Олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида ички аудит борасида вужудга келиши мумкин бўлган рискларни амалиётда аниқланмаслик rischi ва номувофиқлик рискларига ажратилиши тавсия этилган.

Риск омилларини нисбий, аҳамияти нуқтаи назаридан ўрганиш ва баҳолаш лозим. Чунки, рисклар таъсирида нотўғри, тўлиқ бўлмаган ёки ишончсиз ахборотдан фойдаланиш ёки тегишли ахборотдан ўз вақтида фойдаланмаслик оқибатида нотўғри қарор қабул қилиниши хавфи юзага келиши мумкин. Шу боис рискларни баҳолашда номақбул шароитлар ёки воқеа-ҳодисаларнинг эҳтимоли ҳақида профессионал фикр юритиш асосида комплекс ёндашувни қўллаш ва унинг асосида аудиторлик ишининг календарь графигини тузиш керак.

Аудиторлар меҳнатининг самарадорлиги ва сифати кўрсаткичлари уларни мукофотлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши керак. Бунинг учун ҳар бир ижрочига яқка тартибдаги баҳолаш варақлари тузиш ва иш сифатининг ҳисоби табелини юритиш мақсадга мувофиқ. Хўжалик юритувчи субъектлар стратегик бошқариш шароитларида ички аудит хизмати вазифалари қаторига

ички назорат тизимининг мослиги ва самарадорлигини баҳолаш, шунингдек, ички назорат тизими доирасида белгиланган амалларга риоя қилинмаслиги натижаларини баҳолаш ҳам киради.

Фикримизча, ички аудит фаолиятини режалаштиришда унинг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда асосий чора-тадбирлар тизимини белгилаш, далиллар тўплаш, натижаларни умумлаштириш, тавсиялар бажарилиши ва аниқланган номутаносибликларнинг тузатилишини назорат қилиш графигини ишлаб чиқиш лозим.

## **II-Боб. Ишлаб чиқариш харажатларининг шаклланиши устидан ички аудит (назорат)ни кучайтириш йўллари**

### **2.1. Ишлаб чиқариш харажатларининг шаклланиши устидан ички молиявий назоратни олиб бориш тартиби**

Ишлаб чиқариш харажатларининг шаклланиши устидан ички аудит назоратини кучайтириш учун хўжалик юритувчи субъектда содир бўлиш жойлари ва жавобгарлик марказлари бўйича ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоби ташкил этилади. Бироқ, хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқариш харажатларининг қисқариши муносабати билан кўпинча ҳисоб юритишнинг ушбу тури ўрнига субъектда жавобгарликсиз ҳисоб юритилади, бу ишлаб чиқариш ичидаги ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш самарадорлигини ички аудит қилиш имконини бермайди.

Харажатлар юзага келадиган жойлар – бу уларда ишлаб чиқариш ресурслари дастлабки исътеъмол қилинадиган, чиқимларни назорат қилиш ва бошқариш мақсадида ишлаб чиқариш харажатларини режалаштириш, нормалаш ва ҳисобини ташкил этиладиган таркибий бўлинмалар (иш жойлари, бригада, участка, цех ва бўлимлар)дир. Харажатлар юзага келадиган жойлар иқтисодий элементлар ва таннархни ҳисоблаш моддалари бўйича ишлаб чиқариш харажатларининг аналитик ҳисобини юритиш объектлари ҳисобланади.

Жавобгарлик марказларини ажратишга гуруҳланган кўрсаткичлар асосида харажатлар ва якуний натижаларн тартибга солиш зарурияти сабаб бўлади. Жавобгарлик марказлари бўйича гуруҳланган ахборот раҳбарлар ва жавобгар шахсларнинг уларнинг якуний натижаларга таъсири нуқтаи-назаридан харажатлар даражасига таъсирини аниқлаш имконини беради.

Бошқарув, шу жумладан, ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил этиш – ички иш ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти харажатларни қандай таснифлаш, харажатлар юзага келадиган жойларни батафсил

текшириш ва уларни жавобгарлик марказлари билан қандай боғлаш, амалдаги ёки меъёрий харажатлар ҳисобини қай тарзда юритиш масалаларини ҳал этади. Бу эса, бошқарув даражасининг ҳисоботлари воситасида амалга оширилади.

Биринчи бошқарув даражасининг ҳисоботлари тезкор бўлиб, харажатлар жойлари бўйича ахборотни ўзида акс эттиради. Ушбу даража ҳисоботларига моддий, меҳнат ва бошқар сарф-харажатларининг белгиланган меъёрларига қиёсланган ҳолда у ёки бу гуруҳлардаги дастлабки ҳужжатлар ахбороти киради. Тезкор ҳисоботларнинг асосий истеъмолчилари ўрта бўғин раҳбарлари ҳисобланади. Уни тузиш муддати бир ҳафтадан бир ойгача бўлиши мумкин. Биринчи даража ҳисоботларининг таркиби ахборотни муайян ишлаб чиқариш жойлари бўйича ажратган ҳолда харажатлар ҳисобини юритиш ҳисоб регистрларидан шакллантирилиши мумкин. Ушбу ҳисоботларни тақдим этишнинг даврийлиги ўн кун қилиб белгиланади. Мазкур ҳисоб регистрларидан ҳисоботлар сифатида фойдаланиш тўла ўзини оқлади: уларда ҳисоблаб чиқилган исталган сана учун яқунлар ҳеч қандай кўшимча ишларсиз ҳисобот кўрсаткичларини беради ва улардан тизим раҳбарлари фойдаланиши мумкин.

Иккинчи бошқарув даражасининг ҳисоботлари жавобгарлик марказлари (цехлар, ишлаб чиқариш участкалари) бўйича ахборотни ўзида мужассам этади. Улар цех раҳбарлари ва ушбу даражадаги бошқар раҳбарлар учун зарур бўлиб, ўртача муддатли ҳисоботлар ҳисобланади. Мазкур блок ҳисоботларининг даврийлиги бир ойни ташкил қилади. Цехларда маълумотларни гуруҳлашнинг турли вариантлари қўлланилган ҳолда дастлабки ҳужжатлар асосида тузиладиган ҳисоб регистрлари иккинчи даража ҳисоботларини тузиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Учинчи даража ҳисоботлари умуман корхона бўйича маҳсулот турлари, жавобгарлик марказлари ва корxonанинг муайян бўлимлари учун зарур бўлган бошқа кўрсаткичлар ҳақидаги йиғма ахборотни ўзида акс эттиради. Ушбу даражага кирувчи ҳисобот шакллари молиявий ҳисоботлар билан

бирлаштирилиши керак. Улар йиғма ҳисоботлар бўлиб, умуман корхона бўйича ахборотни ўзида мужассам этади ва корхона бухгалтерияси томонидан юқори ҳамда иккинчи бошқарув даражаларининг ходимлари учун тайёрланади. Мазкур ҳисоботларни тақдим этишнинг даврийлиги бир ойдан бир йилгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ишлаб чиқариш харажатларининг миқдорини тўғри аниқлаш, шунингдек ишлаб чиқариш харажатларининг меъёрий даражасидан четга чиқиш сабабларини аниқлаш ишлаб чиқариш харажатларини бошқариш жараёнини аниқ ташкил этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Харажатларнинг ҳар бир қисмини ўз вақтида ва тўлиқ таҳлил қилиш четга чиқишлар сабабларини ва харажатларни камайтириш захираларини аниқлаш имконини беради.

Мисол тариқасида, шартли равишда олинган АЖ шаклидаги корхона фаолиятини кўриб чиқамиз. 2017-2018 йилларда АЖ томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил қилиш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

2017-2018 йилларда АЖ ишлаб чиқаришда иқтисодий элементлар бўйича харажатлар таҳлили (шартли)

Харажат элементлари	Харажатлар (минг, сўм)			Харажат тузилиши (фоизларда)		
	2017 й.	2018 й.	фарқи	2017 й.	2018 й.	фарқи
1. Моддий харажатлар	737758	619235	-118523	64,19	57,55	-6,64
2. Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари	196376	246232	49856	18,81	22,88	4,07
3. Ижтимоий эҳтиёжларга	72249	90386	18137	6,92	8,4	1,48

ажратмалар						
4. Асосий воситаларнинг амортизацияси	21911	24309	2398	2,1	2,26	0,16
5. Бошқалар	83321	58529	12531	7,8	8,91	0,93
Жами	1111615	1076014	35601	100	100	-

1-жадвал маълумотларидан шу нарса кўришиб турибдики, жамият кўп материал сарфланадиган маҳсулотни ишлаб чиқаради. Моддий харажатлар 2017 йилда 64,19 фоизни, 2018 йилда эса 57,55 фоизни ташкил қилган. Маҳсулот таннархи таркибида моддий харажатлар энг кўп улушга эга, шунинг учун умуман, корхона бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда хом-ашё, материаллар, ёқилғи ва энергияни тежаш катта самара беради.

## 2.2. Ишлаб чиқаришда моддий ресурслардан фойдаланишнинг назорат

Ишлаб чиқаришда моддий ресурслардан фойдаланишни таҳлил қилишда маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат предметлари миқдори ва меҳнат предметлари қийматининг бирлигидан маҳсулот чиқиши энг умумлаштирувчи кўрсаткичлар ҳисобланади (2-жадвал).

2-жадвал

АЖда 2017-2018 йиллар учун ишлаб чиқаришда моддий ресурслардан фойдаланиш таҳлили (шартли)

Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	Ўзгариши	
			Мутлақ	Нисбий
1. Маҳсулот ишлаб чиқариш, минг сўм	1044019	1097804	53785	5,15
2. Моддий харажатлар, минг сўм	737758	619235	-118523	-6,64
3. Материал сифими, сўм	0,707	0,564	-0,143	-20,23
4. Материал самараси, тийин	1,416	1,773	0,357	25,30

2-жадвал маълумотларига кўра, 2018 йилда тайёр маҳсулотнинг чиқиши ўтган йилга нисбатан 53785 минг сўмга (5,15 фоиз), материалнинг қайтарилиши 0,357 тийинга (25,30 фоиз) кўпайган, материал сифими эса 0,143 сўмга (20,23 фоиз) камайган. Маҳсулот чиқишининг ўзгаришига иккита омил таъсир кўрсатган:

1. Сарфланган моддий ресурсларнинг 118523 минг сўмга (6,64 фоиз) камайиши ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқариш 167965 минг сўмга камайган (-118523\*1,416).

2. Материал қайтарилишининг 0,357 тийинга (25,30 фоиз) кўпайиши ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқариш 221750 минг сўмга ошган (0,357\*619235).

Омилларнинг якуний таъсири: 221750-167965х53785 минг сўм.

Ишлаб чиқариш материал сифимининг катта бўлишига айрим хом-ашёларнинг тақчиллиги ҳамда технологик жараён бўйича тўғридан-тўғри материалларнинг мавжуд эмаслиги ва бунинг оқибатида алмаштириш ҳолатлари сонининг ортиб кетиши сабаб бўлган (3-жадвал).

3-жадвал

2017-2018 йиллар учун АЖ меҳнат унумдорлиги таҳлили (шартли)

Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	Мутлақ фарқ	Ўсиши
1. Товар маҳсулоти, минг сўм	1061659	1174771	113112	110,65
2. Саноат ишлаб чиқариш ходимларининг ўртача миқдори, киши	6207	6201	-6	110,10
- жумладан, ишчилар	1822	1881	59	103,24
3. Ўртача йиллик иш унуми, сўм:				
- битта ишловчига		189,45	18,41	110,76
- битта ишчига	171582	624	42	107,20

3-жадвал маълумотларидан кўриб турганимиздек, товар маҳсулотининг ҳажми ўтган йилга нисбатан 113112 минг сўмга ёки 10,65 фоизга ошган. Бунга икки омил таъсир кўрсатган:

1. Ишчилар сонининг ўтган йилга нисбатан 59 кишига кўпайиши товар маҳсулотининг ҳажмини:  $59 \cdot 582 = 34300$  минг сўмга ошиган.

2. Бир ишчига ўртача йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўтган йилга нисбатан ўсиши товар маҳсулоти ҳажмини:  $42 \cdot 1881 = 78812$  минг сўмга оширган.

Омилларнинг якуний таъсири:  $34300 + 78812 = 113112$  минг сўм.

2017 йилда ўртача йиллик ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлишининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат бўлган: цехларнинг асосий касб ишчилари билан таъминланмаганлиги, кадрларнинг кўнимсизлиги, ускуналарни таъмирлаш сифатининг пастлиги, режадан ташқари тўхтатиб туришлар (4-жадвал).

4-жадвал

2017-2018 йилларда ходимлар кўнимсизлиги коэффиценти (шартли)

Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	Ўзгариши, фоизларда	
			Мутлақ	Нисбий
Ишловчиларнинг рўйхатдаги ўртача сони, киши	538	509	-24	0,44
Қабул қилинди, киши	824	628	-196	-10,75
Бўшади, киши	612	675	63	3,91
Асосли сабабларга кўра бўшатилади, киши	54	73	19	1,52
Қабул бўйича айланма коэффиценти	0,28	0,25	-0,03	-10,71
Бўшатиш бўйича айланма коэффиценти	0,25	0,26	0,01	4,00
Ходимлар кўнимсизлиги коэффиценти	0,19	0,20	0,01	5,26



4-жадвал маълумотларига кўра, 2018 йилда ишловчиларнинг рўйхат бўйича ўртача сони ўтган йилга нисбатан 29 кишига ёки 0,44 фоизга камайган. Ишга қабул қилиш бўйича айланма коэффиценти 10,71 фоизга пасайган, ишдан бўшаш ва кадрларнинг кўнимсизлиги бўйича айланма коэффицентлари мутлақ ўлчовда 0,01 фоизга, нисбий ўлчовда эса, тегишлича 4 фоиз ва 5,26 фоизга ошган. Ишдан бўшашнинг асосий сабаблари куйидагилардан иборат бўлган: бошқа ишга ўтиш (33,3 фоиз), паст иш ҳақи (27,3 фоиз), меҳнат интизомининг бузилиши (22,2 фоиз), пенсияга чиқиш (8,8 фоиз) шаҳардан кўчиб кетиш (8,3 фоиз).

Меҳнат сиғимининг ўртача ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

2017-2018 йилларда АЖда меҳнат сиғимининг ўртача ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси (шартли)

Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	Ўзгариш, фоизларда
1. Товар маҳсулоти, минг сўм	1061659	1174771	110,65
2. Ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг асосий ва қўшимча иш ҳақлари, минг сўм	196376	246232	125,39
3. 1 сўмлик товар маҳсулотига тўғри келадиган иш ҳақи, тийин	18,50	20,95	113,24

5-жадвал маълумотларидан кўриб турганимиздек, 2018 йилда товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1174771 минг сўмни ташкил қилган (ўтган йилда – 1061659 минг сўм). Ўсиш суръати 110,65 фоизга тенг бўлган, яъни ўтган йилга нисбатан товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 113112 минг сўмга ёки 10,65 фоизга ошган. Ишлаб чиқариш ишчиларнинг асосий ва қўшимча иш ҳақи 25,39 фоизга кўтарилган. Бу шуни англатадики, товар маҳсулоти таркибида нисбатан кўп меҳнат талаб қилувчи маҳсулотларнинг улуши ошган. Меҳнат сиғимининг ортиши товар маҳсулотихажмини

156488,5 минг сўмга камайтирган (6-жадвал).

6-жадвал

2017-2018 йилларда АЖда 1 сўмлик товар маҳсулотига харажатлар таҳлили  
(шартли)

Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	Фарқи	
			Мутлақ	Нисбий, фоизларда
1. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг тўлиқ таннари, минг сўм	1044019	1097804	53785	5,15
2. Товар маҳсулоти, минг сўм	1061659	1174771	113112	10,65
3. Бир сўмлик товар маҳсулотига тўғри келадиган харажатлар, тийин	98	96	-5	-5,10

6-жадвал маълумотларига кўра, 2018 йил 1 сўмлик товар маҳсулоти учун харажатлар 93 тийинни ташкил қилди, яъни ўтган йилга нисбатан улар 5 тийинга (5,10 фоиз) пасайди.

Юқоридаги таҳлилий амаллар ички аудиторга воқеалар ва корхона томонидан амалга ошириладиган операцияларни тўғри баҳолаш ҳамда хулосаларни асослаш учун зарур.

Бизнингча, текшириш учун ахборотни танлаб олишда умуман корхона бўйича ва ички аудит дастурининг ҳар бир бўлими бўйича зарур меъёрий-маълумот ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот ахборотининг базавий рўйхати тузилиши ва уларга аниқликлар киритилиши лозим. Бу ички аудит функциясини янада кенгайтиради. Ушбу функциялар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: 1) ишлаб чиқариш дастурининг бажарилиши ва ходимлар томонидан мажбуриятларнинг ижро этилиши натижалари ҳақидаги тўлиқ ва аниқ ахборотнинг тезкор олинишини таъминловчи ҳисоб тизимини ишлаб чиқиш; 2) ишлаб чиқаришдаги

ишчиларнинг аҳволи ҳақида ахборотни тузиш ва дастур бажарилишининг ижобий ва салбий жиҳатларига эътибор қаратиш мақсадида ишлаб чиқариш аппарат ва дирекция учун ҳисоботлар шаклини ишлаб чиқиш; 3) тезкор раҳбарлик қилиш элементи сифатида алоҳида хўжалик ҳужжатларини текшириш.

Ички аудитнинг ахборот таъминоти раҳбарият томонидан бўлинмалар фаолиятини режалаштириш, улар фаолиятини назорат қилиш, олинган натижаларни ўлчаш, баҳолаш учун фойдаланиладиган молиявий, моддий ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, узатишни назарда тутати. Мазкур ахборот ўзининг мантазамлиги, ўз вақтидалиги, шакли ва қабул қилинишининг соддалиги билан фарқ қилиши керак. Бундай ахборотни жавобгарлик марказлари бўйича бухгалтерия ҳисоби, режалаштириш ва ички ҳисоботлар беради.

## Хулоса

Ички ишлаб чиқариш ҳисоб ахбороти умуман корхона бўйича ва унинг алоҳида участкалари бўйича харажатлар ва натижалар ҳақидаги тезкор, долзарб ва ишончли ахборотни олиш асосида ички бошқарув вазифаларининг ҳал этилиши зарур. Шунинг учун ҳозирги шароитда ички аудитнинг асосий вазифаларидан бири бошқарув ходимларини қабул қилиш учун тайёр ахборот ресурси ҳисобланган зарур назорат-таҳлилий ахбороти билан таъминлашдан иборат.

Ўз навбатида, ички аудит тизимида назорат-таҳлилий ахборотнинг кичик тизимини ташкил этиш зарурати туғилади. Унинг функцияси корхона фаолиятининг ўзига хос жиҳатларига, бошқарув тизимининг мақсадлари ва вазифаларига боғлиқ. Мазкур кичик тизим тезкор ахборотни йиғиш, ички ҳисобот ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, ахборотни талқин қилиш, лойиҳа ечимларини ишлаб чиқиш ва уларни корхона фаолиятининг алоҳида жараёнларини тартибга солиш учун бошқарув аппаратиغا тақдим этишни ўз ичига олиши мумкин.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2014. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2007 йил 25 декабрдаги 136-сон қонуни билан тасдиқланган) (кейинчалик киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда).
3. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги ЎРҚ-404-сонли Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. – Т., 2017 йил 7 февраль
5. 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси. 2018 й. 28 декабрь
6. Vahobov A., Malikov T. Moliya. Darslik. - Т.: Nashr, 2011. - 712 б.
7. Абулқосимов Х.Р., Хамраев О.Я. Иқтисодий дaвлат томонидан тартибга солиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 304-б.
8. Барулин С.В. Финансы. – М.: КНОРУС, 2011. – 640 с.
9. Бочаров В.В. Корпоративные финансы. – СПб.: Питер, 2012.
10. Бровкина Н.Д. Контроль и ревизия. М.: ИНФРА – М, 2010 г. 346 стр.
11. Вахабов А., Разыкова Г. Модернизация экономики. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – с. 200.
12. Вахабов А.В. ва бошқ. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – 372 б.
13. Вахабов А.В., Санакулова Б.Р. Кичик бизнес ва тадбиркорликни солиққа тортиш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 388-б.
14. Ваҳобов А., Қосимова Г. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма.

- Т.: Iqtisod-moliya, 2008. -287б.
- 15.Ваҳобов А., Маликов Т. “Молия: умумназарий масалалар” ўқув қўлланма Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2008 й. 316 б.
  - 16.Евдокимова А. Внутренний аудит и контроль финансово – хозяйственной деятельности организации. - М.: Дашков и К, 2009. – с. 398.
  - 17.Зайналов Д., Саттаров Т. Проблемы обеспечения финансовой стабильности предприятий. Монография. – Т.: Шарк, 2011.
  - 18.Зайналов Ж.Р., Алиева С.С., Ахроров З.О. Молия: Корхоналар молияси. – Т.: Иқтисод-молия, 2018. – 268 б.
  - 19.Ибрагимов А.К., Сугирбаев Б.Б Бюджетный контроль и аудит. Info COM.UZ.МЧЖ. 2010 й. 120 б.
  - 20.Mamatov B.S. va boshq. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – 608 б.
  - 21.Маликов Т.С., Ваҳобов Д.Р. Молия чизмаларида. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2009 й, 660 б.
  - 22.Мусаев Б., Срожиддинова З.Х. Контрольно-экономическая работа финансовых органов. Т.: Молия-иқтисод, 2006 й. 340 б.
  - 23.Нуриддинова В., Шарапова М. Молиявий назорат. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014 й, 382 б.
  - 24.Нурмухамедова Б., Кабирова Н. Финансы. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2010.
  - 25.Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 392-б.
  - 26.Терехова Е.В. Негосударственный финансовый контроль. Узд.МГУ. 2007 г. 152 стр.
  - 27.Ткаченко И.Ю., Малых Н.И. Инвестиции: учеб. Пособие. – М.: Академия, 2009. – 240 с.
  - 28.Тошматов Ш.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш асослари. – Т.: Молия, 2012. – 97 б.

29. Тошмуродова Б.Э., Элмирзаев С.Э., Ахмедов Х.Р. Корпоратив молия стратегияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 128 б.
30. Управление финансами (Финансы предприятий): Учебник под ред. А.А.Володина. / – М.: ИНФРА-М, 2011. – 504 с. - (Высшее образование).
31. Юлдашев С. ва б. Молиявий менежмент. – Т.: Ворис, 2013
32. Яхшибоев Ғ. Қ. Молиявий назорат. Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2007 й. 96 б.
33. Brigham E.F., Houston J.F. Fundamentals of financial management. Third edition, – Florida: Harcourt college publisher, 2010 у.
34. Журналлар: Бозор, пул ва кредит 2015-2018 йил сонлари, Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси 2015-2018 йил сонлари, Иқтисод ва молия 2015-2018 йил сонлари, Молия 2015-2018 йил сонлари.
35. Интернет сайтлари:
- [http: //www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)
- [http: //www.mf.uz](http://www.mf.uz)
- [http: //www.lex.uz](http://www.lex.uz)
- [http: //www.stat.uz](http://www.stat.uz)
- [http: //www.uza.uz](http://www.uza.uz)